



КОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ТАЪМИНОТИ

Давлетов Икрам Рахимберганович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти,
и.ф.ф.д. (PhD)

e-mail: i.davletov@tsue.uz

REGULATORY, LEGAL AND ORGANIZATIONAL SUPPORT FOR THE LIQUIDATION OF AN ENTERPRISE

Davletov Ikram Rakhimberganovich

Tashkent State University of Economics, associate professor of the Department of Accounting, PhD

e-mail: i.davletov@tsue.uz

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мазкур мақолада корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги ва уларни тугатишнинг иқтисодий моҳияти, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган. Тадқиқотнинг назарий ва услубий таҳлили Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида корхоналарни тугатишнинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий таъминотини такомиллаштиришни таклиф қилиш имконини берди. Шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида "тўловга қобилиятсизлик", "банкрот" тушунчалари таҳлил қилинган ҳамда юридик шахсларни тугатиш мумкин бўлган ҳолатлар ўрганилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг таснифи тузилган, тугатиш баланси тузишни юзага келтирадиган вазиятлар умумлаштирилган, юридик шахсни тугатишнинг асосий босқичларини тўртта босқичга ажратиш тавсия этилган, тугатиш балансининг хусусиятлари очиб берилган ҳамда тугатиш балансида активларни бозор қийматида ва мажбуриятларни эса ҳаққоний қийматида акс эттиришнинг аҳамияти очиб берилган.

Abstract. In this article studied the insolvency of enterprises and the economic essence, regulatory, legal, and organisational basis of their liquidation. The theoretical and methodological analysis of the research made it possible to propose the improvement of the normative legal and detailed provision of liquidation of enterprises based on the analysis of the current normative legal documents of the Republic of Uzbekistan. Also, analysed the concepts of "insolvency" and "bankruptcy" on the basis of regulatory legal documents and studied the cases where legal entities could be liquidated. Based on the analysis of regulatory legal documents, a classification of insolvency procedures, and a summary of the situations that lead to the creation of a liquidation balance sheet, it was recommended to divide the main stages of the liquidation of a legal entity into four stages, revealed the features of the liquidation balance sheet, and revealed the importance of reporting assets at their market value and liabilities at their fair value in the liquidation balance sheet.

Калим сўзлар: тўловга қобилиятсизлик, корхоналарни тугатиш, тугатиш баланси, тугатиш жараёни.

Key words: insolvency, liquidation of enterprises, liquidation balance sheet, liquidation process.

Кириш. Кучли рақобат ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида корхоналарнинг таркибий тузилиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари таркибини тезда қайта ташкил қила олишлари талаб қилинади. Бироқ барча корхоналар ҳам хўжалик юритишнинг шароитларининг кескин ўзгаришларига тезда мослаша олмайди ҳамда бу корхоналарнинг ўз фаолиятларини тугатишига олиб келиши мумкин. Тошкент туманлараро иқтисодий судида 2023 йил давомида банкрот деб топиш билан боғлиқ кўрилган 540 та ишларнинг 478 таси ёки 88,5 фоизи қаноатлантирилган, 10 таси ёки 1,9 фоизини қаноатлантириш рад этилган, 43 таси ёки 8,0 фоизи бўйича ариза кўрмасдан қолдирилган ва 9 таси ёки 1,7 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган (шундан 2 таси келишув битими асосида) ҳамда 1 таси ёки 1,1 фоизи бўйича санация қўлланилган. Мазкур йилда қўзғатилган банкротлик ишларининг 18 таси ёки 3,33 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган [8].

Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистон республикасида давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан "Охирги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд 300 га яқин хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари ва 1 600 дан ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, 650 дан ортиқ корхоналар тугатилди ва 160 таси қайта ташкил этилди" [4]. Ушбу келтирилган маълумотлар мамлакатимизда корхоналарни тугатиш жараёнларининг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий таъминотини такомиллаштириш долзарб

эканлигини кўрсатади.

М.В.Зотовага кўра: "Корхоналар банкротлиги – бозор иқтисодиётининг иқтисодий ночор корхоналарни маданиятли тарзда тугатиш имконии берувчи институтидир" [7].

Корхоналар банкротлиги жараёнларини амалга ошириш мулкдорлар ва бошқа манфаатдорларнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжини қоплаш масалалари Е.В.Дусаева ва А.Х.Курмановаларнинг ишларида тадқиқ қилинган [6].

Р.В.Чаленконинг ишларида "банкротлик" ва "тўловга лаёқатсизлик" тушунчаларининг иқтисодий моҳиятига муаллифлик ёндашуви шакллантирилган ҳамда ушбу категорияларга мувофиқ акс эттирилаётган иқтисодий жараёнларни чегаралашнинг мақсадга мувофиқлиги баён қилинган [9].

Методлар ва материаллар. Тадқиқот жараёнида умумий методологик асос сифати диалектика, умумилмий методлардан: илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий фикрлаш, аналогия, қиёслаш каби назарий методлар; кузатиш, таққослаш, математик ва иқтисодий-статистик, шаклан ифодалаш каби эмпирик методлар, шунингдек бевосита тадқиқот мавзусининг хусусий методлари сифатида баланслаштириш, хужжатлаштириш, счетлар тизими ва иккиёқлама ёзув, инвентаризация, баҳолаш, молиявий ҳисобот тизими методлари қўлланилди.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш, бозор муносабатларининг ривожланиши ва янги ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳамда рақобатнинг кучайиши ҳар хил янги молия институтларини вужудга келтирмоқда. Бундай янги тузилмалар

мураккаб иқтисодий аҳволга тушиб қолган корхоналарни таҳлил қилиш ва баҳолаш, санация қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, бу борада кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Фикримиз далили сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Давлат активларини бошқариш агентлиги;

- Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси;

- Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби ва б.

Ҳозирги вақтга келиб инқирозга қарши бошқарувнинг кузатув тартиб-таомили, мораторий, суд бошқаруви, суд санацияси, судгача санация, ташқи бошқарув, тугатиш ишлари ёки банкрот-корхоналарни тугатиш каби турлари кенг қўлланилмоқда. Корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлиги ва у билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-763-сон «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-763-сон қонуни) билан тартибга солинади.

Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ: «**тўловга қобилиятсизлик** – суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги» [3]. Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ: «Қарздор юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қуйидаги тартиб-таомиллар қўлланилади: кузатув; суд санацияси; ташқи бошқарув; тугатишга доир иш юритиш»[3]. Шунингдек, 31-моддаси суддан ташқари бажариладиган тартиб-таомилларни белгилаб, хусусан унга

мувофиқ: «Суддан ташқари бажариладиган тартиб-таомиллар судгача санация қилишни ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатишни (фаолиятини тугатишни) ўз ичига олиши мумкин»[3].

Хусусан, ЎРҚ-763-сон қонуннинг 3-моддасида таърифланишича: «**банкрот** - суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва ўзига нисбатан **тугатишга доир иш юритиш** ёки мол-мулкни сотиш **тартиб-таомили** қўлланиладиган қарздор» [3] деб таърифланган. Шунингдек, «**тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили** - кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қаноатлантириш, қарздорнинг мажбуриятлардан озод этилганлигини ҳамда тугатилганлигини эълон қилиш мақсадида суд томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган тартиб-таомил, бундан жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар мустасно» [3].

Ҳар қандай корхона ўз молия-хўжалик фаолиятининг исталган босқичида тугатилиши мумкин. Корхона молия-хўжалик фаолиятининг яқунловчи босқичи унинг тугатилиши ҳисобланади. Демак, тугатишда корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа субъект(лар)га ўтказмасдан, молия-хўжалик фаолиятини бутунлай тўхтатилади.

Корхона ёхуд унинг таъсисчилари (иштирокчилари) қарорига асосан, ёхуд суд қарори бўйича, ёхуд уни рўйхатга олган органнинг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин. Хусусан, ЎЗР ФКнинг 53-моддасига мувофиқ: «Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши,

уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонунчилик бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият лицензиясиз, фаолият (ҳаракатлар) рухсатномасиз ёхуд ваколатли органни хабардор қилмасдан амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига кўра.

молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлари мустасно.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қароридан унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига юридик шахсни тугатишни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин» [1].

Шунингдек, ЎзР ФКнинг 57-моддасига мувофиқ: «Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у **ночор (банкрот)** деб ҳисобланиши мумкин. Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг **тугатилишига** олиб

келади» [1].

Натижалар. Мазкур қонуннинг юридик шахс тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга доир тартиб-таомилларини ўрганиш ҳамда амалиётини кузатиш натижалари асосида ҳар бир таомилни киритиш мақсади, асоси ва ўтказиш муддати бўйича умумлаштириб, тақдим этамиз (1-жадвал).

Шундай қилиб, тугатиш балансини тузиш зарур бўладиган қуйидаги вазиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- корхонанинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаолиятини тўхтатиш (оддий ширкат шартномасининг яқунланиши);

- юридик шахснинг унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ ваколат берилган орган, ёки суд қарори билан тугатилиши.

- юридик шахс ихтиёрий ёки иқтисодий ночорлиги туфайли мажбурий (банкротлик, давлат органларининг қарорига кўра мажбурий тугатиш, бошқа ҳолатлар бўйича) тугатилиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, юқорида келтирилган вазиятлардан ҳар бирида тузиладиган баланс(лар), даврий(операцион) бухгалтерия балансига нисбатан қуйидаги **хусусиятларга** эга:

1. Тугатиш баланси ҳам, ҳар қандай якуний баланс каби, инвентар баланс ҳисобланади, яъни инвентаризация маълумотларига асосан тузилади. Чунки юридик шахсни тугатиш чоғида инвентаризация ўтказиш мажбурийлиги бевосита 763-сон ЎРҚнинг 147-моддасида кўрсатилган: «Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкни **инвентаризация** қилади ва унинг қийматини белгилайди» [3].

Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг таснифи¹

Тартиб таомиллар	Асосий мақсади	Киритишга асос	Ўтказиш муддати
К у з а т у в (8 Боб. 78-92 моддалар)	Қарздор-корхона активларининг сақланишини таъминлаш, молиявий таҳлил қилиш, кредиторлар талаблари рўйхатини тузиш ва улар билан биринчи йиғилишни ўтказиш	Суд томонидан юридик шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани қабул қилиш	Қарздор-юридик шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш учун ариза қабул қилинган санадан бошлаб кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилгунгача (30 кунлик муддат ичида)
Суд санақияси (Молиявий соғломлаштириш) (9 Боб. 93-107 моддалар)	Қарздорнинг тўловга қобилиятини тиклаш ва кредиторларга қарзлар-ни графикда белгилан-ган муддатларда сўндириш	Кредиторлар йиғилиши қарори асосида суд томонидан жорий этилади	Кўпи билан 24 ой муддатга жорий этилади
Ташқи бошқарув (10 Боб. 108-139 моддалар)	Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш	Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига асосан суд томонидан жорий этилади	12 ойдан 24 ойгача муддатга жорий этилади. Кредиторлар йиғилишининг имтимосномаси, ваколатли давлат органининг қарори ёки ташқи бошқарувчи аризасига кўра суд томонидан қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин. бунда жами муддат 30 ойдан ошмаслиги керак.
Тугатишга доир иш юритиш (11 Боб. 140-160 моддалар)	Кредиторлар қарзлар-ни мутаносиб равишда қондириш	Суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши	12 ойдан ошмаслиги зарур. тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан уч ойгача узайтирилиши мумкин
Суддан ташқари бажариладиган тартиб-таомиллар (11 Боб. 161-171 моддалар)	Қарздор ва кредитор келишганида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш	Кредиторлар маж-лисининг келишув битими тузиш ҳақидаги қарори	Суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида (161 м. 1-б.)

¹ Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосда тадқиқотчи томонидан тузилган

2. Тугатиш балансида контра (контр-актив, контр-пассив) счетларнинг (0200, 0500, 2980, 4900, 8600, 9040, 9050), тақсимловчи счетларнинг (2500, 3100, 8900 ва ш.к.) ва бошқа тартибга солувчи счетларнинг қолдиқларини акс эттирилмаслик мақсадга мувофиқ. Бу корхона фаолияти узлуксизлиги принципнинг амал қилмаслиги, яъни унинг маълум даврдан кейин тугатилиши билан боғлиқ.

3. Тугатиш баланси активининг моддалари ЎРҚ-404-сон қонунининг 17-моддасида белгиланганлардан фарқ қиладиган (бошқача) усуллар билан баҳоланади. Чунки тугатиш жараёнида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар - корхона таъсисчилари, ҳамкорлари, кредиторлари ва бошқалар учун фаолиятнинг тўхтатилиши оқибатида, ҳақиқатга энг яқин молиявий ҳолатни юқори даражадаги аниқлик билан ҳисоб-китоб қилиш имконини берадиган

4. Қоидага кўра, тугатиш балансида актив ва пассив моддалари бошқача тарзда гуруҳланади. Яъни, бу гуруҳлаш мол-мулкларнинг ҳақиқий ликвидлик даражасига ва кредиторларнинг талабларини қондириш бўйича қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда (корхона устави, таъсис шартномаси ва ҳ.) белгиланган тартибга мос келиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 13 апрель 2016 й. ЎРҚ-404-сон «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг (кейинги ўринларда – ЎРҚ-404-сон қонуни) 27-моддасига мувофиқ: «Хўжалик юритувчи субъектни тугатиш чоғида якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш балансини ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссиясининг (тугатувчининг) зиммасига юклатилади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Тугатиш балансида мажбуриятлар уни тузиш санасида ҳисобланган фоизлари билан акс эттирилади» [2].

Таъкидлаш жоизки, корхона тугатиш дебиторлик қарзларини ундириш, мол-мулкларни инвентаризация қилиш, қайта баҳолаш, тақсимлаш ва кредиторлик қарзларини сўндириш ҳамда бошқалар билан боғлиқ узоқ давом этадиган жараёндир. Шунингдек, бу жараёнда, яъни тугатиш балансини тузиш чоғида, ЎРҚ-404-сон қонунининг 3-моддасида белгиланган, корхона фаолиятининг **узлуксизлиги принципи** қўлланилмайди. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда ушбу принципни амалда қўллашнинг имконсизлиги оқибатида **ҳисоб методологиясида ҳам ўзгаришлар** келиб чиқади. Масалан, тугатилаётган корхонанинг мол-мулкларини баҳолашда имкон қадар ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш вазифаси қўйилади. Бу вазифани ҳал этиш эса кредиторлар ва корхона мулкдорлари олдидаги мажбуриятларни сўндириш имконияти тўғрисидаги ахборотларнинг шакллантиришини таъминлайди.

Юридик шахсларнинг тўловга лаёқатсизлиги ва уларни тугатишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, ўқув-услубий адабиётларни ва бевосита амалиётни ўрганиш натижалари шуни тасдиқладики, юридик шахсни тугатиш узоқ давом этадиган жараён ва шу боис, уни тўртта босқичга ажратиб амалга ошириш **тавсия** этилади (1-расм).


Тавсия этилаётган тугатиш босқичларининг натижалари дастлабки, оралик ва якуний тугатиш балансларида акс эттириб борилиши зарур.

Дастлабки, оралик ва якуний тугатиш баланслари юридик шахснинг

таъсисчилари (иштирокчилари) ёки юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган орган томонидан тасдиқланиши лозим. Тугатиш балансларининг ушбу турларини тузиш учун махсус шакллар норматив ҳужжатларда кўзда тутилмаган. Шу боисдан, фикримизча, «дастлабки тугатиш баланси», «оралиқ тугатиш баланси», «якуний тугатиш баланси» махсус шаклларини ва тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда норматив ҳужжат сифатида тасдиқлаш зарур. Бундай норматив ҳужжат тугатиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий ва ташкилий-услугий таъминотини такомиллаштириб, сифати

ҳамда самарадорлигини оширган бўлар эди.

Тугатиш балансларининг шаклларини эса, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 07.02.2002 й. «Молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 31-сон буйруғи [5] билан тасдиқланган Бухгалтерия баланси (1-шакл) асосида ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Шу билан бирга, тугатиш балансларининг кўрсаткичларини шакллантириш қоидаларини ҳам ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Юридик шахсни тугатиш жараёнининг асосий босқичлари²

² Эслатма: 2-босқичда ОТБлари неча мартаба тузилиши мумкин. Бу тугатиш даврининг давомийлиги, кредиторлар ва мулкдорларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжи ҳамда бошқа сабабларга боғлиқ.

Юридик шахсларни рўйхатга оладиган ягона давлат реестри(ЮШЯДР)га корхонани тугатиш тўғрисида ёзув киритилган йилнинг 1 январидан, бундай ёзув амалга оширилган санагача бўлган давр тугатилаётган юридик шахс учун сўнгги ҳисобот йили бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, **узлуксизлиги принципига** мувофиқ тугатилаётган хўжалик юритувчи субъект мол-мулкларини баҳолашнинг махсус қоидалари кучга киради. Хусусан, ОТБда мол-мулклар жорий ҳисобдаги ёки тиклаш баҳосида эмас, балки уни тузиш пайтидаги ҳар бир активнинг сотиш мумкин бўлган баҳоси бўйича акс эттирилади.

763-сон ЎРҚнинг 3-моддасига мувофиқ: “суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) — тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган шахс” [3]

Демак, корхонани тугатишда тугатиш комиссияси ташкил этилади ва **тугатиш бошқарувчиси** тайинланади. Унинг асосий мақсади қонун-қоидаларга мувофиқ корхона активларини аниқлаш ва кейинчалик кредиторлар ўртасида тақсимлаш йўли билан, уларнинг мулкый манфаатларини таъминлаш ҳамда тугатиш ишларини яқунлаб, ҳужжатларни архивга

топширишдан иборат. Корхонани тугатиш чоғида бухгалтерлар ва мустақил аудиторлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Хулосалар. Шундай қилиб, корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги ва уларни тугатишнинг иқтисодий моҳияти, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ёритилган; шу асосда тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг таснифи ишлаб чиқилди; тугатиш баланси тузишни юзага келтирадиган вазиятлар умумлаштирилди ва тугатиш балансининг хусусиятлари очиб берилди ва тугатиш жараёнининг асосий босқичлари ишлаб чиқилган. Булар:

- ҳисобот даври учун тузилган бухгалтерия баланси асосида, ҳисобот даврдан кейинги операцияларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, ДТБни тузиш;

- ОТБнинг ташкилий-услубий таъминотини ва активи (тугатиш массаси)ни шакллантириш ҳамда унга кредиторлар томонидан қўйиладиган барча талабларни аниқлаш;

- ОТБнинг пассивини шакллантириш ва тугатиладиган корхонанинг мол-мулклари (тугатиш массаси) ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қондириш;

- ЯТБни тузиш, корхонани ЮШЯДРдан чиқариш ва ҳужжатларни архивга топшириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, <https://lex.uz/docs/111189>
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», <https://lex.uz/docs/2931253>
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида», <https://lex.uz/docs/5957612>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 244 мартдаги ПҚ-102-сон «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/6417192>



5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 07.02.2002 й. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 31-сон буйруғи, <https://lex.uz/docs/821320>
6. Дусаева Е.В., Курманова А.Х. Информационное обеспечение и учет процедур банкротства аграрных организаций. Социум и власть. №6 (62), 2016. 80-87 с.
7. Зотова М.В. Бухгалтерский учет при ликвидации организации-банкрота. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2002.
8. Инсофсизларча ҳаракат: сохта банкротлик, уни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш ёхуд суд бошқарувчиларини масъулияти.... <https://uza.uz/uz/posts/insofsizlarcha-harakat-soxta-bankrotlik-uni-yashirish-va-qasddan-bankrotlikka-olib-kelish-yoxud-sud-boshqaruvchilarini-masuliyati> 356207
9. Чаленко Р.В. Модел организации бухгалтерского учета процесса несостоятельности коммерческой организацию Научнқй журнал КубГАУ, №95 (01), 2014.